Статистика ва маълумотлар
КУТУБХОНАСИ

2007 ЙИЛ, 21 АВГУСТ, СЕШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 159 (10.968) Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

Қиска сатрларда

●**ЭРТАГА** ҳимоя йили ҳамда мамлакатимиз Мустақиллигининг 16 йиллигига туҳфа сифатида Республика Акушерлик ва гинекология институтига Японiядан замонавий тиббий жиҳозлар келтирилади.

●**ТОБОРА** яқинлашиб келаётган Энг улуғ, энг азиз байрамимиз—юртимиз Истиқлолининг 16 йиллиги арафасида Чилонзор туманидаги 1-Республика тиббиёт коллежи биноси бунёдкорлар томонидан таъмирланди.

●**КЕЧА** Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги, туман меҳнат бўлими ҳамкорликларида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.

●**БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида у-шу, қўл жанги секциялари аъзолари иштирокида ушбу спорт турлари бўйича уюштирилган кўргазмали тадбирда «Машинасозлар», Усмон Юсупов, «Дўстлик» маҳаллалари фаоллари ва ота-оналар иштирок этишди.

●**МИРОБОД** туманидаги «Парвона» маҳалласида «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида маҳалла ёшларига Зулфиқор Мусоқов режиссёрлигида ўзбек киноусталари томонидан суратга олинган «Ватан» фильми намойиш этилди.

●**ЯККАСАРОЙ** туманида иқтидорли ёшлар иштирокида «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгаши томонидан ўтказилган тадбир «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгашининг «Ўн олти—вояга етдим» лойиҳаси доирасида уюштирилди.

●**ЯНГИ** ўқув мавсуми бошланиши арафасида Яккасарой туманидаги 1-мактабда ўқитувчилар ташаббуси билан ўтказилган тадбирда 1-синфга чиқиш арафасида турган болажонлар ҳамда мазкур илм масканини бундан 50 йил аввал тугатган собиқ ўқувчилар иштирок этишди.

●**АЛИШЕР** Навоий номидаги киносаройда кино мухлислар эътиборига ўзбек киноусталари томонидан яратилган «Зумрад ва Қиммат» фильми намойиш этилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

MUSTAQILLIK · INDENPENDENCE · НЕЗАВИСИМОСТЬ
16
O'ZBEKISTON

Ёшлар — келажагимиз

«НИҲОЛ — 2007» СОВРИНДОРЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

МАЪЛУМКИ, МАМЛАКАТИМИЗДА САНЪАТГА ИШТИЁҚИ БАЛАНД БЎЛГАН ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР САФИ ЙИЛДАН ЙИЛГА ОРТИБ БОРМОҚДА. БУ АЛБАТТА САНЪАТ СОҲАСИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН КЎРИК-ТАНЛОВЛАР, ФЕСТИВАЛЛАРДА ЁРҚИН НАМОЁН БЎЛМОҚДА. АЙНИҚСА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЮРТБОШИМИЗ ТАШАББУСЛАРИ БИЛАН ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН «НИҲОЛ» МУКОФОТИ САНЪАТ МАЙДОНИГА ҚАДАМ ҚЎЯЁТГАН ЁШ ИСТЕЪДОДЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАБ, УЛАРНИ КАШФ ҚИЛИШДА МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛМОҚДА.

Санъатга ошуфта қалбларнинг орзу-интилишлари тимсолига айланган «Ниҳол» мукофоти билан мана саккиз йилдирки, республикамиз вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳридан иқтидорли, ширин овоз соҳиблари орасидан сараланган ёш истеъдод эгалари тақдирланмоқда. Айтиш жоизки, 2000 йилдан буён «Ниҳол» мукофотига 70 дан зиёд ёш истеъдодлар сазовор бўлган бўлсалар, бугунги кунда улар орасидан 9 нафари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, биттаси Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист унвонларига яна бир қанчаси давлатимизнинг нуфузли мукофотларига сазовор бўлдилар. «Ниҳол» мукофотига саралаш икки йилдан буён икки босқичда ўтказилмоқда. Мазкур мукофотга 225 дан зиёд номзодлар туман ва шаҳар босқичида иштирок этиш учун сараланди. Жорий йилнинг апрель-май ойларида ўтказилган биринчи саралаш босқичида республикамиз бўйича 7 мингдан зиёд иштирокчи қатнашди. Бу эса ўтган йилдагига нисбатан номзодлар сони уч баробарга ошганидан далолат бермоқда.

Мана, бу йил ҳам Энг улуғ ва энг азиз байрамимиз — Истиқлолимизнинг 16 йиллик шодиёналари арафасида пойтахтимизнинг муҳташам Халқлар дўстлиги саройида «Ниҳол — 2007» мукофоти совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Бу йил «Ниҳол — 2007» мукофотига 14 нафар ёш овоз соҳиблари мусиқа ижрочилиги, опера, мумтоз қўшиқчилик, рақс санъати, эстрада санъати йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Ўсмирлар симфоник оркестри, Женисбек Пиязов, Отабек Муталхўжаев, Улуғбек Раҳматуллаев, Муҳаббат Қурбонова, Гулмира Чаварова, Ғиёс Облоқулов, Сарвиноз Қурязова, Фарҳод Қамбаров, Сарвиноз Аннақулова, Лазизбек Қиличев, Дилшод Имомалиев, Мавжуда Алимова, Шароф Муқимовлар сазовор бўлдилар. Совриндорларга мукофотларни Ўзбекистон халқ артистлари И.Жалилов, М.Йўлчиева, Р.Султонова, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Д.Омонуллаева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Г.Мамазоитова, А.Шомаърупов, К.Қаюмов ва бошқалар топширдилар. Шодиёна тантанада «Ниҳол — 2007» мукофоти совриндорлари ҳамда эл севган санъаткорларимиз ижросида янграган она-Ватан, Мустақил Ўзбекистонимиз, ёшлик ва дўстлик ҳақидаги жозибали куй-қўшиқлар, шўх рақслар барчага манзур бўлди. Айниқса мукофот эгаларининг қувончу ҳаяжонлари чексиз эди.

— Мен шундай нуфузли мукофотга сазовор бўламан деб ўйламагандим,—дейди Тошкент шаҳридан Отабек Муталхўжаев.— Ҳозир жуда хурсанд ва бахтиёрман. Мамлакатимизда мен каби санъатга иштиёқи баланд ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрликдан чексиз миннатдорман. Айниқса биз ёшларга раҳнамолик қилаётган ва кенг имкониятлар яратиб бераётган Юртбошимизга катта раҳмат. Бу мукофот менга албатта катта масъулият юклайди. Мақсадим келгусида ўз устимда кўпроқ ишлаб, изланиб, яхши ва янги қўшиқлар яратиб, ўзбек санъати довруғини жаҳонга танитишдир.

— Бу мукофотни олишни қанчалар орзу қилгандим. Ниҳоят бугун орзуимга эришдим,—дейди мукофот совриндорларидан яна бири Бухоро вилоятидан Шароф Муқимов.— Мен бугун жуда-жуда хурсандман. Бир нарсага амин бўлдимки, инсон ўз орзумақсади сари астойдил интилса, ниятига етар экан. Бу мукофот менга янада илҳом бериб, юксак чўққилар, эзгуликлар сари чорламоқда.

Дарҳақиқат, бу нуфузли мукофот ижодкор ёшларга қанот бўлиб,уларнинг янада ғайрат ва шижоат билан ижод қилишларига, юксакларга парвоз этишларида муҳим туртки бўлади албатта.

«Ниҳол — 2007» мукофоти совриндорларини тақдирлаш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Рустам Қосимов иштирок этди.

Дилором ИКРОМОВА

СУРАТЛАРДА: «Ниҳол — 2007» мукофоти совриндорларини тақдирлаш маросимидан лавҳалар.

Наталья Семёнова олган суратлар



ИСРОИЛ ПАРЛАМЕНТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

МАМЛАКАТИМИЗГА ТАШРИФ БУЮРГАН ИСРОИЛ ДАВЛАТИ КНЕССЕТИ (ПАРЛАМЕНТИ) СПИКЕРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ АМНОН КОЭН РАҲБАРЛИГИДАГИ ДЕЛЕГАЦИЯ 20 АВГУСТ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ СПИКЕРИ ЭРКИН ХАЛИЛОВ БИЛАН УЧРАШДИ.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Исроил ўртасидаги алоқалар кўплаб йўналишлар қатори парламентаризм соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

— Ўзбекистонда ўзимни уйимдагидек ҳис қиламан, — деди Амнон Коэн. — Болалигим шу муқаддас заминда ўтган. Мамлакатингизга ҳар гал келганимда улкан ўзгаришларга, барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самара бераётганига гувоҳ бўламан. Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик нафақат сиёсий, балки савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳаларда ҳам изчил ривожланмоқда. Икки томонлама дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш тарафдоримиз. Ўзаро алоқаларимизни ривожлантириш ва чуқурлаштиришнинг истиқболи порлоқдир.

Учрашувда Ўзбекистон билан Исроил ўртасидаги парламентлараро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболига доир масалалар муҳокама қилинди.

Шу куни Исроил делегацияси Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликларида ҳам музокара ўтказди.

(ЎзА)

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

●Тошкентдаги «Миллий санъат маркази»да «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ташкил этилган «Bazar-Art — 2007» кўргазма-ярмаркаси якунланди. Бош мукофот—Францияда ўтказиладиган «Ипак йўли ва сайёҳлик» кўргазмасига йўлланма «Миниатюра ва нақкошлик санъати устаси» номинацияси ғолиби Баҳодир Йўлдошевга топширилди.

●Мустақиллигимизнинг 16 йиллик байрами арафасида «Нефть ва газ қудуқларини синаш» акциядорлик жамияти «Муборакнефтгаз» ҳамда «Шўртаннефтгаз» унитар шўъба корхоналарига иккита нефть қудуғини топширди.

●Фарғона вилоятида Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги, Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги ва Марғилоннинг 2000 йиллигига бағишланган «Буюк юрт ифтихори» мавзуидаги адабиёт кунлари тадбири бўлиб ўтди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан уюштирилган учрашувларда пойтахтдан ташриф буюрган бир гуруҳ шоир ва ёзувчилар иштирок этди.

●Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида углеводородни қайта ишлаш суръати жорий йилнинг биринчи ярмида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 17,1 фоизга ўсди. Истеъмолчиларга 268 миллиард сўмлик нефть маҳсулотлари етказиб берилди. Энг муҳими, Мустақиллик байрами арафасида 150 та оилага янги уйнинг калити топширилади. Шундан 112 таси ёш оиладир.

●«Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгашида «Оила илмий-амалий маркази билан ҳамкорликда давра суҳбати ўтказилди. Унда мамлакатдаги ёш оилаларнинг мониторинги ва улар билан олиб борилаётган ишлар, ажратиладиган кредитлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этиш учун бериладиган микрокредитлар хусусида сўз борди.

●Пахтачи тумани маркази—Зиёвуддин шаҳарчасида Ижтимоий кўникма ва соғломлаштириш маркази очилди. Бу ерда беморларга биринчи ёрдам кўрсатилади, даволаш ва соғломлаштириш ишлари йўлга қўйилади, бундан ташқари, ёшларни касб-ҳунарга ўргатиш бўйича курслар ташкил қилинди.

●Зангиота туманининг Қатортол қишлоғида «ULUG`BEK BAXT YULDUZI» агросаноат фирмасининг деҳқончилик маҳсулотларини қуритиб, илғор технологиялар асосида ихчам ва бежирим шаклда қадоқлайдиган шохобчаси фойдаланишга топширилди. Натижада 10 дан ортиқ киши ишли бўлди.

●Янги ўқув йили арафасида Андижон туманидаги Хақон қишлоғида 524 ўринли янги мактаб биноси қуриб, фойдаланишга топширилди. Мактаб «Водий равнақи» МЧЖ қурувчилари томонидан бунёд этилиб, қурилиш ишларига 544 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

ЖАҲОНДА

●Кеча Ироқ бош вазири Нурий ал-Малики Сурияга ташриф буюрди. Сурия раҳбарияти билан музокараларда Сурия ва Ироқ чегарасидаги хавфсизлик, икки миллион кишига етган Ироқ қочқинларининг тақдири масалалари муҳокама қилинмоқда.

●Украинада жорий йилнинг сентябрь ойида бўлиб ўтадиган парламент сайловлари олдидан мамлакатдаги партия ва блокларни рўйхатдан ўтказиш ишлари якунланди. Айрим партиялар сайловолди ташвиқотларини бошлаб юбордилар.

●Афғонистон полицияси Кобул шаҳри атрофида ўтказган рейд натижасида гаровдаги германиялик аёл озод қилинди. Мамлакат ташқи ишлар вазирлиги вакили амалга оширилган махсус амалиёт чоғида аёлни гаровга олган жангарилар ушланганлигини билдирди.

●Газо секторидаги йирик электростанциялардан бирининг фаолияти тўхтатиб қўйилди. Айтиш керакки, Исроилнинг «Dor Alon» компанияси фаластинликларга ёнилғи хом ашёсини етказиб бериш бўйича масъул эди. Компания вакили Европа Иттифоқи талаби билан хом ашё етказиб бериш тўхтатилганини билдирди. Фаластинликлар қарзларини тўлагандан сўнг компаниянинг масъулиятни яна ўз зиммасига олиши таъкидланди.

●Кеча Ямайка ва Мартиникага ҳуруж қилган Дин тўфони натижасида 9 киши ҳаётдан кўз юмди, юзлаб уйлар вайрон бўлди, электр таъминотида узилишлар юзага келди. Тўфоннинг бугун Мексикага етиб келиши муносабати билан бу ерда кучайтирилган хавфсизлик чоралари амалга оширилмоқда.

●Қуролланган жангарилар Эроннинг жануби-шарқидаги йўллардан бирини эгаллаб, автомобилларга қарата ўқ узишди. Таъкидланишича, улар ўттиз нафар аҳолини гаровга олганлар. Мамлакат полицияси гаровдагиларни қутқариш ишларини амалга оширмоқда. Ҳозирча жангариларнинг талаби ошкор этилмади.

●Кеча Подмосковьедаги Жуковский шаҳрида «Макс — 2007» халқаро авиасалони ўз ишини бошлади. Авиасалон доирасида энг моҳир учувчилар олий учиш маҳорат юзасидан ўз истеъдодларини намойиш этадиган қизиқарли шоу ҳам ташкил этилади.

●Перу қутқарувчилари зилзиладан катта зарар кўрган Писхо шаҳри харобаларидан омон қолганларни қидириш бўйича ишларни тўхтатишди. Таъкидлаш жоизки, Писходаги табиий офат натижасида 308 киши ҳалок бўлган.

Бу байрам — барчамизники, бутун халқимизники

ҚУДРАТИМИЗ — БИРЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИКДА



КУНИ КЕЧА ШАҲРИМИЗДАГИ СЎЛИМ ВА СЕРФАЙЗ ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА ЭНГ УЛУҒ ВА АЗИЗ БАЙРАМ — МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 16 ЙИЛЛИК ҚУТЛУҒ ШОДИЁНАСИГА БАҒИШЛАНГАН «ШУ АЗИЗ ВАТАН БАРЧАМИЗНИКИ» ДЕБ НОМЛАНГАН ОММАВИЙ МАДАНИЙ, САНЪАТ ВА СПОРТ, ДЎСТЛИК БАЙРАМ САЙЛИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси, F.Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи, Республика Байналмилал маданият маркази ва Фидокорлар Миллий демократик партияси Чилонзор туман Кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу байрамда маҳаллалар фаоллари, турли миллий-маданий марказлар вакиллари, таниқли шоир ва ёзувчилар, эл ардоғидаги санъаткорлар иштирок этишди.

Байрам сайлида она-Ватанга муҳаббат, садоқат, бунёдкор ва ижодкор халқимизга ҳурмат-эҳтиром, адабиёт, санъат, маданият ва спорт, бир сўз билан айтганда ҳар соҳада амалга оширилаётган кенг ислоҳотлар, эришилган ютуқлар тараннум этилди.

— Ушбу тадбир Президентимиз Ислом Каримовнинг 2007 йил 30 майдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг ўн олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қароридан келиб чиқадиган вазифаларни амалга оширишга ҳисса қўшиш, шунингдек, Мустақиллик байрами шодиёналарини боғимизда кенг нишонлашга қаратилган, — дейди биз билан суҳбатда мазкур боғ директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Баҳодир Сўлтонов. — Боғимизда ўтадиган ҳар бир байрам, тадбир ва анжуманларнинг халқимизга маъқул бўлиши, яхши ҳордиқ олиб, дам олишлари учун имкон борича қулайлик, шарт-шароит яратишга интилиб келмоқдамиз.

«Бу байрам — барчамизники, бутун халқимизники» деган эзгу шиор остида, «Ватан мадҳин, халқим бахтин куйлаймиз» дея бошланган ушбу тадбирда Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов, таниқли шоиралар Фарида Афрўз, Умида Абдуазимова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Олимжон Орифжонов, Гулбаҳор Сулаймоновалар юрт мадҳи, дориломон кунларни тараннум этиб ўз ижодлари ва санъатларидан барчани баҳраманд этдилар. Шунингдек рус, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман, татар, корейс миллий-маданий марказлар ижодий жамоаларининг чиқишлари, ҳазил-мутойиба, қувноқ, шўх рақс ва қўшиқлар тадбирга янада жозиба бахш этди.

Биз тадбир таассуротларини ўзаро ўртоқлашаётган ҳамшаҳарларимизнинг дил сўзларини қоғозга туширдик.

— Мен ушбу боғга кўп йиллардан буён набираларим, қизим. ўғилларим билан келаман, мазза қилиб соя-салқин жойларда дам оламан. Боғда дам олувчилар, меҳмонлар учун барча қулайлик, шарт-шароитлар яратилган, — дейди завқ билан Шайхонтоҳур туманилик Раҳима опа Тўхтаҳўжаева. — Оиламиз билан турли саналарни нишонлаш учун ҳам шу ерда йиғиламиз. Онахоннинг ёнларида турган бир гуруҳ ҳамшаҳарларимиз ҳам шу каби фикрларни билдиришди.

Биз бир олам таассуротлар билан ушбу дам олиш масканида ўтказилган қизиқарли тадбирдан қайтдик.

Шоира МУҲАМЕДОВА

СУРАТЛАРДА: Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган байрам тадбиридан лавҳалар.

Алексей Попов олган суратлар

Махсус «Оқшом» учун

БУ МУҚАДДАС ЗАМИНДА УММУМБАШАРИЙ ТАРАҚҚИЁТ РИВОЖИГА АСОС СОЛИНГАН, —

ДЕЯ ТАЪКИДЛАЙДИ МИСР АРАБ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ «АЛ-МАСАИЯ» ГАЗЕТАСИ БОШ МУҲАРРИРИ ЎРИНБОСАРИ МУҲАММАД САЛАМА

«ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ РИВОЖИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ» МАВЗУИДАГИ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИНИ 100 ГА ЯҚИН ЖУРНАЛИСТ ЁРИТГАН БЎЛСА, ШУЛАРДАН 30 ДАН ЗИЁДИ ТУРЛИ ХОРИЖИЙ АГЕНТЛИКЛАР, БОСМА НАШРЛАР ВА ТЕЛЕРАДИОКОМПАНИЯЛАР ВАКИЛЛАРИ ЭДИ. ХОРИЖЛИК ҲАМКАСБЛАРИМИЗНИ КУЗАТАР ЭКАНМИЗ, УЛАР ТЕЗКОР РАВИШДА - ДЕЯРЛИ ҲАР СОАТДА ТЕГИШЛИ ТАҲРИРИЯТЛАРГА ЮБОРАЁТГАН АХБОРОТЛАРИ ОРҚАЛИ ЎЗ МАМЛАКАТЛАРИ АҲОЛИСИНИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЎТАЁТГАН НУФУЗЛИ АНЖУМАН ТАФСИЛОТЛАРИ БИЛАН ТАНИШТИРИБ БОРИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛАЁТГАНИНИНГ ГУВОҲИ БЎЛДИК.

Конференция давомида хорижлик журналистларнинг маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари билан тез-тез мулоқотга киришаётгани ҳам эътиборни тортди. Мисрнинг обрўли нашрларидан бири – «Ал-Масаия» газетаси бош муҳаррири ўринбосари Муҳаммад Саламанинг ўз юртига қайтиши олдидан фақат «Тошкент оқшоми» газетасига эксклюзив интервью беришга ташаббус кўрсатгани эса кўпчилик ҳамкасбларимизни ҳайратга солди. Суҳбатимиз бошида асосий мавзуни бироз ортга суриб, меҳмонимиздан дастлаб айнан бунинг сабабини билишга қизиқдик.

— Албатта, газетангиз орқали конференция хусусида фикрларим билан ўртоқлашиш ниятим бор. Энг муҳими — бугунги кунда жаҳон миқёсида Ўзбекистоннинг умумбашарий цивилизация ривожига қўшган ҳиссасининг эътироф этилишига оид жараёнлар кузатилаётганини ҳам мамнуният билан айтиш лозим. Қолаверса, Миср халқи номидан ўзбекистонликларга самимий тилаклар билдирмоқчиман.

Шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз аҳолиси айнан оммавий ахборот воситалари орқали Ўзбекистонда амалга оширилаётган ўзгаришлардан яхши воқиф. Хусусан, Тошкентнинг ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинганини ҳам кўтаринкилик билан қаршилади. Мусулмон дунёси катта аҳамият берган ушбу воқеага «Ал-Масаия» газетаси алоҳида махсус сонлар бағишлади. Мақолалар орқали газетхонлар Тошкент тимсолида Ўзбекистоннинг бой тарихи ва бугунги ҳаёти билан танишишга муваффақ бўлдилар.

Энди бевосита «Оқшом»ни танлаганимга келсак, «Ал-Масаия» билан «Оқшом» газеталари ўртасида бошқа нашрларга хос бўлмаган ўхшаш томонлар бор. Бизнинг газетамиз ҳам кечки. Бундан ташқари, газетангизнинг номи ҳам менда қизиқиш уйғотди. Таҳлилларга қараганда, тонгги газеталардан фарқли равишда кечки нашрлар айниқса оммабоп бўлади, уларнинг ўқувчилари кўп. Нима учун деган саволга жавоб эса оддий. Одамлар асосий иши билан камроқ банд бўлади ва кўп вақтини ўқишга, хусусан, газета орқали сўнгги хабарлар билан танишишга ажратади.

Авваллари «Ал-Масаия» ҳафтада бир марта нашр этиладиган сиёсий газета бўлган. Икки йил илгари биз йўналишимизни ўзгартирдик. Давлат томонидан ҳали ҳам қўллаб-қувватланса-да, «Ал-Масаия» мазмун жиҳатидан том маънода халқ манфаатини ифода этувчи эркин газетага айланди. У ҳар куни нашр этилади ва ўқувчига кечки почта билан етказилади. Унинг тиражи 130 минг нусхадан иборат. Матбаа масалалари билан «Дори-Таун» ҳамкорлик уйи шуғулланади. «Ал-Масаия»дан ташқари, бу матбаа уйи шунингдек деҳқончиликка оид яна битта газета ва Мисрнинг бошқа давлатлар билан ҳамкорлик ришталарига бағишланган журнални чоп этади.

— Суҳбатимиз бошида сиз Тошкент ислом маданиятининг пойтахти сифатида эътироф этилгандан сўнг жаҳон ҳамжамиятидаги ижобий жараёнлар ҳақида айтиб ўтдингиз. Бу борадаги фикрингизни бироз кенгроқ шарҳлаб берсангиз.

— Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Бухорий — яна ўнлаб-юзлаб Мовароуннаҳр ўлкаси ўғлонлари табиий, аниқ, диний, бошқа кўплаб фанларга асос солган буюк алломалар ҳисобланади. Уларнинг яратган ноёб асарлари сарҳадлар ошиб, хусусан Миср ва бошқа араб давлатлари орқали ҳам Европагача етиб борганини яхши биламиз. Бу олимларнинг кашфиётларидан нафақат Осиё, балки авваламбор Европа халқлари катта фойда кўрганини ҳеч ким инкор эта олмайди. Буни тан олмоқ лозим ва бунинг учун Ўзбекистонга миннатдорчилик билдириш керак. Муқаддас заминда етишиб чиққан буюк инсонларнинг илмий асарлари, уларнинг илмий услублари Европа учун кейинги ривожланиш поғоналарини забт этишда пойдевор сифатида хизмат қилди. Бу борада айниқса табиий фанлар йўналишидаги олимлар ҳақида алоҳида айтиб ўтиш ўринлидир. Уларнинг асарлари шу кунларгача ўрганилиб келинмоқда ва дунё миқёсида амалиёт мактаби сифатида тарғиб этилаётир. Масалан, Абу Али ибн Синонинг «Тиб қонунлари» бугунги кунда нафақат тиббиёт, балки кўплаб бошқа соҳа олимларининг ҳам асосий қўлланмасига айланган. Бу рисола Европа ва Осиё давлатларининг нуфузли университетларида асосий фан сифатида ўқитилади. Шундай экан, нима учун бизнинг илм-фан, маданият, бошқа соҳалардаги эришган ютуқларимиз замири мана шу қутлуғ Ўзбекистон заминидан бошланишини тан олмаслигимиз керак!

Тошкент мисолида Ўзбекистоннинг ислом маданияти маркази сифатида эътироф этилганини АЙСЕСКОнинг энг адолатли ва оқилона қарори деб ҳисоблайман. Бу дегани мусулмон олами Ўзбекистоннинг умумбашарий мероснаси ҳазинаси сифатидаги аҳамиятини шу кунгача тан олган ва тан олади ҳам. Шуни ҳам очиқ айтиш керакки, бугунги кунда ҳамма давлатлар ҳам Ўзбекистондек қисқа истиқлол йилларида улкан ютуқларга эришгани йўқ.

Мен 20 йилдан кўпроқ вақт мобайнида мамлакатингиз ҳаётини кузатиб келаман. Мустақилликдан олдин ҳам бу ерда бўлганман. Ҳа, ўша давр мафкураси очиқ мулоқот юритишга, айниқса диний ривоятларни ўрганишга йўл қўймасди. Шунга қарамасдан, ўша пайтларда ҳам ислом маданияти ривожига оид тадқиқотларим нечоғлик муҳимлигини тушунган кишилар бўлганди ва улар қўлёзмалар, диншунос-олимлар ҳаёти ва фаолияти билан танишишимга имкон қадар ёрдам беришга ҳаракат қилишгани ёдимда, албатта. Сизнинг бу борадаги тарихингиз ҳақида дунё билиши лозимлигини ва маълумотлар қанча кўп бўлса, шунча яхши эканлигини истар эдим. Шукрки, у кунлар ортда қолди. Бугун Ўзбекистон – мустақил давлат сифатида мутлақо янги ҳаёт қадам қўйган ва жаҳон ҳамжамиятига интеграллашиб бормоқда. Авваламбор одамларнинг дунёқарашидаги ўзгаришлар бунинг яққол далилидир. Мамлакатингиз Президенти бошчилигида амалга ошириб келинаётган оқилона сиёсат туфайли Ўзбекистон барча соҳаларда шиддат билан изчил ривожланиб келаётир.

Четдан қараганда, кўп нарса яққол сезилади, дейишади. Ҳақиқатдан ҳам шундай. Янгиланиш ислоҳотлари деярли барча соҳаларни қамраб олганини алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Кейинги йиллар ичида мен неча бор Тошкентга келган бўлсам, ҳар сафар қандайдир ўзгача завқ билан пойтахтингиз кўркидаги ўзгаришларни қаршилайман. Очиғини айтаман, гўё биринчи келганимдаги қоронғиликдан қуёш чиқиб, унинг нурлари қаммаёқни қамраб олган: қаер бўлмасин - чароғонлик, меҳр-мурувват, қувонч ва бахт-саодат намуналари кўзни қувонтиради. Бозорлар, дўконлар, қаҳвахоналарнинг доим гавжумлиги, одамларнинг кўргазма, театр, кутубхоналарга бориши, қадамжоларни зиёрат қилиши — буларнинг ҳаммаси сизларга оддий кўриниши мумкин, лекин айнан шу оддийлик осуда ҳаёт тимсолидир.

Ўттиздан зиёд мамлакат иштирокидаги халқаро конференция юртингиз жаҳон миқёсида нечоғлик юксак ўринга ва аҳамиятга эга эканлигининг тасдиғидир. Мазкур тадбир Ўзбекистоннинг дунё илм-фани ва маданияти ривожидаги улкан хизматларини намоён этишига яна бир бор имкон яратди.

Анжуманда юқори мартабали меҳмонлар – Ислом Конференцияси Ташкилоти бош котиби Акмалиддин Эҳсон ўғли, Араб давлатлари лигаси бош котиби Амру Мусо, Ислом Конференцияси Ташкилоти асосий тузилмалари раҳбарлари, кўплаб давлатлар шайхлари, Европа ва Осиё мамлакатлари олимларининг иштирок этгани фақат мазкур тадбирнинг кенг кўламлигидан эмас, балки Ўзбекистонга бўлган ҳурмат ва эҳтиром белгиси, унинг умумбашарий цивилизация маркази сифатида эътироф этилганидан далолат беради.

— Мамлакатимиз хусусида худди ўзбек фарзанди каби ғурурланиб фикр билдираётганингиз учун ташаккур. Журналист сифатида кўп нарсадан хабарингиз бор, албатта. Давлатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқалар ва истиқболли имкониятлар ҳақида нима дея оласиз?

— Авваламбор мамлакатларимизни мустаҳкам алоқалар боғлаб туришини ва бугунги кунда бу янада ёрқинроқ намоён бўлаётганини таъкидлаб ўтмоқчиман. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг шу йилнинг апрель ойидаги Миср Араб Республикасига ташрифи икки томонлама муносабатларимизга янги мазмун касб этди.

Мени мамлакатларимиз раҳбарларининг сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар-маданий ҳамкорлик ривожига бўлган ёндошувларининг ўхшашлиги қувонтиради. Юксак технологиялар, бир қатор саноат тармоқлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, қурилиш ашёларини ишлаб чиқариш, фармацевтика маҳсулотларини чиқариш соҳасида ҳамкорликни кенгайтиришдан икки мамлакат ҳам бирдай манфаатдор. Яна бир муҳим соҳа — сайёҳликдир. Мисрда Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарларини кўриш истагида бўлганлар кўп. Халқимиз мамлакатингизда аждодлар меросини тиклаш борасидаги ишларни юксак қадрлайди. Шунингдек, ўзбекистонликларнинг ҳам бизнинг тарихий обидаларимиз, айниқса эҳромлар билан танишишга иштиёқи катталигига шубҳа йўқ.

Шуни ҳам алоҳида таъкидламоқчиманки, Ўзбекистон ва Миснинг илмий-маданий алоқаларининг тарихан муштарак жиҳатлари анчагина. Шарқ мамлакатларида, хусусан Мисрда ҳам маърифатли исломнинг қарор топишида, бунинг ижобий натижаси сифатида дунёвий фанларнинг шаклланиши ва ривожланишида Мовароуннаҳр мутафаккирларининг ҳиссаси беқиёс бўлган. Хусусан, 800-861 йилларда яшаб ижод қилган буюк ватандошингиз Аҳмад ал-Фарғоний эҳромлар юртида ўчмас из қолдирган. У Нил дарёси сувининг сатҳини ўлчайдиган ўта ноёб иншоот – устурлобни кашф қилган. Мисрнинг катта ҳудуди саҳролардан иборат эканлиги ва фақат Нил водийсида зироатчилик қилиш мумкинлиги инобатга олинса, буюк ватандошингиз яратган «Миқёси Нил» мамлакатдаги сув заҳираларидан унумли фойдаланишда, дарёдан сув сатҳи ўзгаришларини башорат қилишда муҳим аҳамият касб этиб келган. Миср қишлоқ хўжалигида вазият бугунги кунда ҳам Нилдаги сув миқёсига бевосита боғлиқ. Юксак даражада билим талаб этадиган, ўта аниқлик билан ишланган «Миқёси Нил»дан ҳозир ҳам кенг фойдаланилади.

Сизга яхши маълумки, Ўзбекистон Президентининг Мисрга ташрифи доирасида Қоҳирада буюк алломага эҳтиром ва икки мамлакат халқларининг кўп асрлик илмий-маданий алоқаларининг тимсоли сифатида Аҳмад ал-Фарғонийга ҳайкал ўрнатилди. Кўриб турганингиздек, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарига асосни қадимда сизнинг аждодларингиз солган. Ўзбек заминида етишиб чиққан ал-Фарғонийнинг нафақат Миср цивилизацияси, балки бутун жаҳон илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшганини қайд этиш ўринли. Шу боис 1998 йилда аллома таваллудининг 1200 йиллиги ЮНЕСКО шафелигида дунё миқёсида, шу жумладан Мисрда ҳам кенг нишонланди. Кўпчилик яхши биладики, ал Фарғоний тўққизинчи асрда — европалик олимларнинг кашфиётларидан анча олдин – сайёрамизнинг диаметрини ҳисоблаб чиққан, дунёни қитъаларга, етти иқлимга бўлган ва ўз изланишларини шарҳлаб берган. Ал-Фарғонийнинг астрономияга оид тадқиқотлари ҳам бутун дунё олимлари учун асосий қўлланмалардан бўлиб қолмоқда.

Ўйлайманки, ўзбекистонликларда Қоҳира шаҳрининг бир нечта мавзеларининг «Ҳадика ал-Ўзбекия», «Сур ал-Ўзбекия», «Хай ал-Ўзбекия» дея аталиши ҳам қизиқиш уйғотиши шубҳасиз. Бу атамаларнинг Буюк Ипак йўли давридан буён сақланиб қолгани халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстликдан дарак беради.

Шубҳасиз, яқинда очилган Тошкент – Афина - Қоҳира ҳаво йўналиши ҳам икки давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар янада ривож топишида ўзига хос кўприк вазифасини ўтайди.

Алоқаларимиз мустаҳкам ва кўп қиррали бўлиб, мамлакатларимиз истиқболи ва халқларимиз фаровонлиги йўлида ривожланиб боришига ишончим комил.

Сўзим якунида яна бир бор Ўзбекистон халқига чуқур миннатдорчилик билдирган ҳолда, мамлакатингизнинг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси бебаҳо эканлигини, тарихий, илмий ва маданий салоҳиятингиз ҳали яна кўп асрлар оша бутун башариятга хизмат қилаверишига тилак билдириб қоламан.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА
суҳбатлашди

Иқтисодиёт

«СУВСАНОАТМАШ»НИГ ИСТИҚБОЛИ

«СУВСАНОАТМАШ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИ ЖАМИЯТИ ЎЗИНИНГ 50 ЙИЛЛИК САНАСИ НИШОНЛАМОҚДА. У БУНДАН ЯРИМ АСР МУҚАДДАМ ТОШКЕНТ ЭКСКАВАТОРЛАРНИ ТАЪМИРЛАШ ТАЖРИБА-МЕХАНИКА ЗАВОНЕГИЗИДА ТАШКИЛ ТОПГАН ЭДИ. ЎТГАН ШУ ДАВР КОРХОНА УЧУН ҲАР ТОМОНЛАМА ЎСИШ ВА МУСТАҲКАМЛАНИШ ЙИЛЛАРИ БЎЛДИ.

Бу ерда сув саноати учун зарур механизмнинг кўплаб янги хиллари тайёрлана бошлаган. Корхона саноат ва сув хўжалиги қурилиш объектлари буюртмаларини ҳам ўз вақтида адо этибгина қолмоқда. Бу хил маҳсулотлар четга ҳам экспорт қилинмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг асосий ишлаб чиқариш бўлинмасига айланган «Сувсаноатмаш»ишлаб чиқариш ва халқ хўжалигининг турли соҳаларини замонавий қудратли техника ҳамда бутловчи мосламалар билан ҳам таъминлаб келмоқда.

Бу ерда гидротехник иншоотлар учун 20 тоннагача юк кўтарадиган механизмлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

«ЭО-4111», «Э-652», «ЭО-10011» русумли экскаваторлар узеллари ҳамда эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Транспорт

УЮШМАНИНГ ҚУТЛУҒ ТЎЙИ

«ЭЗГУЛИККА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛЛАР» ДЕБ НОМЛАНГАН ТЎПЛАМ БОСМАДАН ЧИҚДИ. УНДА ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ, ДАРЁ, ЭЛЕКТР ТРАНСПОРТИ ВА ЙЎЛ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ ТАРИХИ ҲИКОЯ ҚИЛИНАДИ.

Чиндан ҳам бу касаба уюшма Ўзбекистон Республикаси касаба уюшмалари Федерациясинг етакчи тармоғи сифатида соҳа ходимларининг ижтимоий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва ўзини бошқариш каби долзарб вазифаларнинг амалга ошириш этишда фаоллик кўрсатиб келмоқда.

Шу сана муносабати билан ўтказилган юбилей кечасида уюшма қўлга киритаётган ютуқлар ҳисоб қилиниб, галдаги вазифалар белгиланиб олинди.

Ўзбекистон транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмаси, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, республика автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш концерни ва бошқа ташкилотлар юбилярни қутладилар.

Кечада касаба уюшмага бағишлаб суратга олинган ҳужжатли фильм намойиш қилинди.

ҲАЙДОВЧИЛИКДАГИ ИМТИЁЗЛИ ЎҚУВ КУРСЛАРИ

«ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИДА ЁШЛАРНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ИШТИРОКИДА МИКРОКРЕДИТЛАР АЖРАТИШ ҲАМ КЎЗДА ТУТИЛДИ. УШБУ ВАЗИФАНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ «МИКРОКРЕДИТБАНК БИЛАН ҲАМКОРЛИК БИТИМИНИ ИМЗОЛАДИ.

Ўзаро келишув асосида республика бўйича 0 нафар ўқувчи 450 миллион 677 минг сўм миқдоридаги кредитларни расмийлаштирди.

Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамда шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасинг ҳамкорлигидаги қўшма режаси тасдиқланди.

Аҳолининг муҳтож қатламларини касб-ҳунарга ўқитиш ишлари ногиронлар касб-ҳунар коллежида ташкил этилди.

Айни вақтда пойтахтимиздаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида боқувчиси қолган ўқувчиларни ҳайдовчилик курсларидан ихтиёзли ўқитиш йўлга қўйилди.

Акбар АЛВ

СОҲА РИВОЖИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

ПОЙТАХТДА ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ ТОМОНИДАН ХОРИЖИЙ КОМПАНИЯЛАР ВАКИЛЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА АНЖУМАН ЎТКАЗИЛДИ.

Унда мамлакатимизда ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш, бу соҳада ишлаётган саҳифалар очишда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама этилди.

Анжуманда ахборот жамиятини шакллантириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Тадбирдаги кунги кунда мамлакатимиз коммуникация тизимини технологик жиҳатдан тўлиқ янгиланганги, соҳа модернизациялаш жараёни муваффақиятли равишда амалга оширилаётгани, ахборот коммуникация технологиялари иқтисодиётимизнинг муҳим таркибий қисмига айлангани таъкидланди. Галдагиларнинг вазифалардан бири бу йўналишдаги сифатли хизматини янада жонлантириш, интернет тармоғини қонунчилик йўли билан қўллаб-қувватлаш вазифасизлик масалаларини ҳал этишдан иборат. Шунингдек, анжуманда мобил алоқа ва симсиз боғланишни ривожлантириш билан боғлиқ қатор янгиликлар ҳам кўриб чиқилди. Бундан ташқари сўнгги давомида ахборот технологиялари соҳасидаги инфратузилмани шакллантириш ва стандартлаштириш масалаларини муҳокама этишга бағишланган секциялар ҳам иш олиб борди.

Рустам ХАЙДАР,
"Туркистон-пресс"

УЖМШ: МЕНИНГ ЎЙИМ — МЕНИНГ МУЛКИМ

Ширкат — ибрат

УЙЛАР КЎРК ОЧМОҚДА

КЎП ҚАВАТЛИ УЙЛАРИМИЗ КЎРКИ, ЁН-АТРОФЛАРИ ОБОДЛИГИ, САРАНЖОМ-САРИШТАЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА, АЛБАТТА АНА ШУ ТУРАР-ЖОЙ БИНОЛАРИДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛУВЧИ ХОНАДОН ЭГАЛАРИНИНГ — ШИРКАТ АЪЗОЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЎРНИ БОР. НЕГАКИ УЛАР ЎЗ УЙЛАРИНИНГ ҲАҚИҚИЙ ЭГАЛАРИ, УНИ АВАЙЛАБ-АСРАШ ВА САҚЛАШДА КАТТА ҲИССАГА ЭГА БЎЛГАН МУЛКДОРЛАРДИР.

Сергели туманида фаолият кўрсатаётган хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари орасида «Шокир-арик» ширкатининг ўз ўрни, ибратли ишлари бор. Унга асли касби қурувчи бўлган, турар жой бинолари ҳолатини яхши биладиган, шунинг баробарида яшовчиларнинг фикр-мулоҳазаларини тўғри англаб, ҳамиша аҳолига қулайликлар яратиш йўлида изланаётган Марям Машарипова раҳбарлик қилмоқда.

— Ширкатимиз 540 хонадонни бирлаштирган 17 та кўп қаватли уйдан иборат, — дейди Марям Машарипова. — Албатта, 2005 йилда ташкил этилган ушбу ширкатимиз мулкдорларига тарғиботташвиқот ишларини олиб борганимиз, ҳамжиҳатликда иш юритишга астойдил ҳаракат қилганимиз кейинги йилларда яхши самара бермоқда. Чунки аҳоли бирмунча бўлсада, ширкат бу ўзлари эканлигини, биргаликдаги ҳаракат, бир-бирига ишонч яхши натижалар беришини амалда кўришмоқда, ҳис этишмоқда. Ўтган йиллар ичида 11 та кўп қаватли уйларни капитал таъмирдан чиқардик. Жорий йилда 61 ва 69-уйлар капитал таъмирланди. 9 қаватли 69-уйни ўз кучимиз билан таъмирлашга муваффақ бўлдик.

Ширкатда 11 нафар ўз соҳасини мукаммал биладиган ходимлар меҳнат қилишгани боис ҳам аҳолидан тушган буюртмалар бекаму кўст бажарилмоқда. Бу борада ширкат муҳандиси Абдумалик Холиқов, чилангар усталар Шомил Альфиев ва Руслан Ўсаровларни алоҳида таъкидлаш ўринли. Шунингдек, 63-уй бошлиғи Раъно Тўраева, 69-уй бошлиғи Гулнора Исматова, 59-уй бошлиғи Гулнора Зуннуновларнинг фаолликлари, ширкат билан бамаслаҳат иш юритишларини кўрсатиб ўтиш лозим. Ушбу ҳамкорлик боис ҳам уйлар атрофи ободлиги, кўкаламзорлигига эътибор кучли. 5 та болалар майдончасида эса кичкинтойлар учун қулайлик ва шарт-шароитлар яратилган.

— Албатта, барча ишларимизни кўнгилдагидек дея олмайман, — дейди Марям Машарипова. — Лекин муаммоларни имкон қадар ечишга ҳаракат қиламиз. Энг биринчи мақсадимиз хонадон эгаларига қулайликлар яратиш, уларга намунали хизматни ташкил этиш баробарида умумий мулкни биргаликда сақлашга, асрашга эришиш, мулкдорлик ҳиссини оширишдир.

Ширкат уйларида 35 та кириш йўлаклари бўлиб, уларнинг ҳаммаси таъмирланиб темир эшиклар ўрнатилган. Сайланган йўлакбошиларнинг ҳам масъулияти ортиб бормоқда. Улар қарздорликни камайтиришда, тўловларни кечиктирмай бажаришга эришишда, тозаликка эътибор қаратишда ҳисса қўшишмоқда. Албатта, ўз вазифасини сидқидилдан бажарган уй бошлиқлари ва йўлакбошилар рағбатлантириб борилади, уларга фойдаланиш харажатлари тўловидан имтиёзлар кўзда тутилган.

Айни кунларда эса ширкат уйларида истиқомат қилувчи 1300 дан зиёд аҳолига қулайликни назарда тутиб, кузги-қишки тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Ертўлалардаги носозликлар тугатилмоқда, 600 квадрат метр том таъмирланди. Мавсумгача 2000 квадрат метр том таъмирланиши кўзда тутилган. 63-уйнинг ташқи қисми (фасад) қайта таъмирланмоқда. Шунингдек, Мустақиллигимизнинг 16 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ободончилик ва орасталик ишлари қизғин паллага кирди. Асосийси эса ушбу тадбирда кўп қаватли уйларда яшовчи хонадон аъзолари ҳашарлар уюштириб фаоллик кўрсатишмоқда. Албатта, бу билан улар ўзларига қулайлик яратиб, яшаш жойлари кўркини очишмоқда.

Шарофат БАҲРОМОВА

СУРАТЛАРДА: ширкатга қарашли кўп қаватли уйлар; ширкат раҳбари Марям Машарипова ходимлари даврасида.

Рашид Галиев олган суратлар

Транспорт

ЯХШИ ҚАЙФИЯТ ЙЎЛЛАРНИ ОЙДИН ЭТАДИ

БУГУНГИ КУНДА ШАҲАР ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ УЗОҒИНИ ЯҚИН, ОҒИРИНИ ЕНГИЛ ҚИЛИШДА МУҲИМ ҲИССА ҚЎШМОҚДАКИ, БУ АЛБАТТА НАФАҚАТ ЙЎЛОВЧИЛАРНИ ЎЗ ВАҚТИДА, ХАВФ-ХАТАРСИЗ МАНЗИЛЛАРИГА ЭЛТИБ ҚЎЙИШДА, БАЛКИ УЛАРГА ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИШДА ҲАМ НАМОЁН БЎЛМОҚДА.

Шаҳримиз кўчаларида қатнаётган янги автобуслар, қайта чирой очган шоҳбекатлар бунинг ёрқин мисолидир. Пойтахтимизда жамоат транспортини ривожлантиришда муҳим ҳисса қўшаётган жамоалар орасида «4-Автобус саройи» акциядорлик жамиятининг ўзига хос ўрни бор. Корхонанинг ҳар куни эрта тонгдан яхши ният билан эл хизматига отланган транспортчилари ўз вазифаларини сидқидилдан бажаришмоқда. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, жамоа аҳли ўз мақсадларини амалга оширар эканлар, Президентимизнинг «Тошкент шаҳрида йўловчи транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда унга тегишли қарорлар, Вазирлар Маҳкамасининг қарори ижросини таъминлашга интилмоқда, шу асосда хизматни ташкил этмоқда.

— Президентимизнинг юқоридаги Фармони ва транспорт ривожига оид қатор қарорлар ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларига намунали хизмат кўрсатиш, транспортчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш борасида муҳим аҳамият касб этиши баробарида, зиммамиздаги масъулиятни янада оширди, — дейди акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Мирёқуб Тўлаганов. — Автобусларимиз асосан шаҳар ичида 11 та йўналиш бўйича мунтазам қатнайди. Жами 132 та автобус мавжуд бўлиб, шулардан 52 таси «Мерседес-Бенц» ва 10 таси «Самкочавто» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган «Исузу» автобусларидир. «Исузу» йўловчи автобусларимиз 32-йўналиш бўйича «Чорсу— Эркин даҳаси» оралиғида қатнаб, бу, албатта кўплаб йўловчиларга катта қулайлик бўлди.

Ҳар бир жамоанинг ўз тартиб-қоидаси мавжуд. Ана шу қоидаларга амал қилиш, тартибни бузмаслик, баҳамжиҳат иш юритиш корхона транспортчиларининг муваффақиятини таъминламоқда. Жамоада меҳнат қилаётган 609 нафар ишчи-хизматчининг мақсади ягона — олдиларидаги вазифаларни сидқидилдан адо этишдир. Шунингдек, корхонада ҳайдовчиларнинг касб маҳоратини оширишга, чиптачиларнинг муомала маданиятини юксалтиришга, соғлиқларини ҳар куни назорат қилишга эътибор қаратилган. Жорий йилнинг ўтган олти ойида барча кўрсаткичлар — қатнов мунтазамлиги, йўловчилар ташиш, паркдан фойдаланиш коэффициенти, даромад ва бошқа режалар муваффақиятли уддаланган изланишдан, саъй-ҳаракатдан далолатдир. Ярим йил давомида 20 миллион 337 мингдан зиёд йўловчи манзилларига етказилиб, бу ўтган йилгига нисбатан анча юқори кўрсаткичдир. Шунингдек, 6 ой мобайнида 2 миллиард сўмликдан зиёд даромад олинди.

Шу ўринда корхона муваффақиятига муносиб ҳисса қўшиш баробарида йўловчиларни ҳам мамнун этаётган «Сергели-5— Москва остонаси» йўналиши бўйича қатновчи 8-автобус сардори Жаҳон Йўлдошев, «Сергели-7— «Олой» бозори» йўналишидаги 38-автобус сардори Рустам Мамадалиев, «Эркин—«Олой» бозори» йўналишидаги 57-автобус сардори Раҳматжон Тожиев, «Жанубий» вокзал — «Паркент» бозори»ни бир-бирига боғловчи 80-йўналиш сардори Собир Комиловлар ва улар бошқараётган бригада ҳайдовчиларининг хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Қувонарли томони шундаки, Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги арафасида автосарой томонидан «Жанубий вокзал» шоҳбекти қуриб фойдаланишга топширилган бўлса, жорий йилда эса транспортчилар ўз кучлари билан замонавий маъмурий бино қурилишини жадал олиб боришмоқда. Бу ерда катта фаоллар зали, ошхона ҳам бунёд этилмоқда. Унинг фойдаланишга топширилиши транспортчилар учун яна бир қулайлик бўлади.

Автобус саройида кадрлар тайёрлаш масаласига ҳамиша муҳим аҳамият қаратилади. Ўтган олти ойда сулолаларни ривожлантириш мақсадида ҳайдовчиларнинг фарзандларидан 20 нафари «Д» тоифали ҳайдовчиликка ўқитилди ва ҳозирда улар корхонада фаолият кўрсатишмоқда. Бу анъанавий тадбир давом эттирилиб, сентябрь ойида яна 20 та кадр ҳайдовчиликка ўқитилади.

— Ижтимоий ҳимоя йилида корхона маъмурияти ва касаба қўмитаси ҳамкорликда 21 йўналишни ўз ичига олган қўшма дастур тайёрлаган, — дейди касаба қўмитаси раиси Элдор Мадазимов. — Ана шу тадбирлар режасини муваффақиятли амалга ошириб, ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий ҳимоясига катта эътибор қаратамиз. Санаторий ва соғломлаштириш масканларига йўлланмалар ажратилмоқда. Ёзги таътил кунларида ходимларимизнинг 89 нафар фарзанди болалар оромгоҳларида дам олди. 52 та ишчи-хизматчи билан Самарқандга саёҳат уюштирдик. Шунингдек, республикамизнинг сўлим дам олиш жойларига, тоғ ён бағирларига жамоавий саёҳатларга чиқамиз. Ҳайдовчи ва чиптачилар махсус иш кийими, сут ва сут маҳсулотлари билан таъминланади, спорт билан шуғулланишларига шароит яратиб берамиз.

Айни кунларда автосаройда кузги-қишки тайёргарлик ишлари ҳам авжида. Бу борада устахоналар бошлиғи Рустам Нишонбоев, чилангарлар Акбар Ибрагимов, Абдулла Саидов, токарлар Володя Ан, Маҳкам Рихсиевлар ғайрат-шижоат кўрсатишиб, ҳайдовчиларга транспорт воситаларини тайёрлашда яқиндан ёрдам беришмоқда.

Корхонадан чиқар эканмиз, ён-атрофга яна бир назар ташладик: ободлик, саранжом-саришталик намоён бўлди. Мевали ва манзарали игнабарғли дарахтлар яшнаб турибди, атиргул ва турфа гуллар чаман бўлиб очилган, баҳри-дилингизни очади. Маъмурий бино қурилишида эса ишлар авжида. Албатта, буларнинг барчаси шу ерда меҳнат қилаётган транспортчиларга яхши кайфият улашиши, шубҳасиз. Ана шу яхши кайфият эса улар орқали ҳар куни йўловчиларга улашилиши нур устига нур эмасми!

Шарифа ИЛЁСОВА

СУРАТЛАРДА: моҳир ҳайдовчи Хусниддин Фахриддинов ҳамкасбларига ҳамиша ўрнак; эрта тонгдан автобусларга ойдин йўл тиланади; автосарой томонидан бунёд этилган «Жанубий вокзал» шоҳбекати.

Козим Ўлмасов олган суратлар

Тўловлар

КЎЗА КУНДА ЭМАС, КУНИДА СИНАДИ

Дилбар туғилган кунини дугоналарига кафеда эмас, уйда нишонлашини маълум қилар экан, «Бир кўриб кўйларинг, яқинда евроремонтдан чиққан уйимни» деб қўйди ичида. Турмуш ўртоғига эса бозор харажатларини ёзиб берар экан «Адаси, ҳеч нарса кам бўлмасин-а, яна кулиб кетишмасин» дея қайта-қайта таъкидлади.

—Ойи, кеча газ ва светдан келишувди,—деди шу пайт қизи, —қарзларинг кўпайиб кетибди, тўламасаларинг ўчирамиз,—дейишди.

—Битта биз қарзми,—қизини жеркиди Дилбар. — Қочиб кетмасмиз. —Ойим, адам командировкадалар, келишса тўлашади демайсанми. Майли бир гап бўлар, тез-тез ишингни қил, меҳмонлар келгунча улгуриш керак, ортиқча гапларга вақтим йўқ...

Ҳаммаси кўнгилдагидай бўлди: стол тўла ноз-неъматлар, мантию сомса тугилди. Меҳмонлар ҳам кириб кела бошлади.

—Ойи, газ ёнмаяпти-ку,—деди онасини имлаб чақирган қиз— Ҳали чой қайнамовди. Сомсани энди қўймоқчийдим...

Жиғибийрон бўлган Дилбар тумангазга қўнғироқ қилди. У ердагилар катта носозлик содир бўлганини, 3-4 соат сабр қилиш лозимлигини айтишди.

Чойнию бир амаллашди, лекин шўрва ярим пишган, қолганлари ҳам аросатда... Шу маҳал қизи яна секин пичирлади:—Ойи совуқ сув ҳам келмаяпти.

—Ҳаммаси шу кунга тиқилиб турган эканда, ўзи яхши ишламайди улар,—дедию лекин уйимни таъмирлаяпман деб ойлаб пул тўламаганини унутди...

Фиғони фалакка чиқди, хизмат кўрсатувчиларнинг «гўрига ғишт қалади».

Ана шу хизмат кўрсатиш ходимларининг қарзлари ҳақида неча бор огоҳлантиришларию ушбу тўпланган тўловларнинг носозликларни бартараф этишдаги аҳамияти тўғрисидаги тушунтиришлари кор қилмай, эшикни юзига ёпганларини бир бор эсламади. Кўза кунда эмас, кунида синишини ўйлаб ҳам кўрмади.

Шу ўринда айтиш лозимки, Дилбар ва шу каби қарздор хонадон соҳиблари айбни дарров бошқаларга тўнкамай, ўзларидан— ўзларининг лоқайдликлари ва бепарволикларидан қидиришса айни муддао бўларди. Негаки хизматдан фойдаланганда кейин ҳақини ҳам пайсалга солмай тўлаш керакда. Олмоқнинг бермоғи ҳам бор-ку.

Афсуски, шаҳримизда ана шундай тўловларга бемалол қурби етадиган, аммо ҳамёнидан пулини чиқаришга эринаётган хонадон эгалари ашаддий қарздорлар рўйхатидан ўрин олишмоқда, ўз бурчларини унутиб қўйишмоқда. Биргина иссиқ сув ва иссиқлик бўйича тўхталадиган бўлсак қарздорлик суммаларини кўриб ҳайратга тушасиз ва хонадон эгаларининг бемалол юрганига ҳайрон қоласиз. Чилонзор тумани, «Алгоритм» даҳаси, 7-уй, 19-хонадондан У.Абдуллаев 879290 сўм, шу уйнинг 127-хонадонидан Р.Қўчқоров 705980 сўм тўловларни бажармай, рекорд натижаларга эришишган. Ушбу даҳадаги 5-уй, 51-хонадондан Р.Турдиев 639150 сўм, 15-хонадондан М.Қосимова 446180 сўм, 6-уй, 1-хонадондан К.Шамсиев 479560 сўм иссиқ сув ва иссиқлик ҳақи тўловларини бажаришмаган.

Сувнинг бебаҳо неъмат эканлигини, усиз ночор аҳволга тушиб қолиш мумкинлигини кўра-била туриб қадрига етмаётганлар, қарздорликни ошираётган истеъмолчиларнинг номларини ҳам афсус билан келтириб ўтамиз. Учтепа тумани, «Чилонзор-23» мавзеси, 57-уйдан И.Ким 104900 сўм, Бектемир тумани, Чашма кўчаси, 29-уйдан К.Музаффарова 64100 сўм, 51-уйдан Б.Санақулов 43 минг сўм, Соҳил кўчаси, 17-уйдан В.Ким 60900 сўм, Б.Нозим кўчаси, 117-уйдан Т.Тожибоев 53200 сўм совуқ сув учун кўрсатилган хизмат ҳақини бажармай юрибди.

Беминнат дастёр—табиий газ тўловини амалга оширмаган қарздорлар Чилонзор туманида ҳам топилади. Улар уялмайнетмай кундан кунга қарздорликни ошириб бормоқдалар. Тумандаги Гулистон кўчаси, 3-йўлак, 1-уйда яшовчи Т.Алимовнинг газдан қарзи 340100 сўмга етган. Катта қаъни кўчаси, 8-уйда истиқомат қилувчи Б.Жалилов 133860 сўм, Зебунисо кўчаси, 54-уйдан Р.Зиёмов 294900 сўм қарзини тўламай юришибди.

Шунингдек, маиший чиқиндилар учун ҳам белгиланган тўловларни бажармай юрган ҳамшаҳарларимиз хусусида тўхталиш керакки, балки унутишган бўлса, ёдига тушиб қолар, албатта. Рўйхатда Учтепа тумани, 12-мавзе, 23-уй, 40-хонадондан Т.Лобачева (90 минг сўм) 37-хонадондан Ш.Маҳмудов (41минг сўм), 17-уй, 11-хонадондан А.Тошиева (51.300 сўм), Шоир кўчаси, 3-йўлак, 45-уйдан А.Каримов (87 минг сўм), Ҳамза тумани, Маҳзуна кўчаси, 26-уйдан М.Жўраева (60 минг сўм), М.Ашрафий кўчаси, 1-йўлак, 17-уйдан А.Боймирзаева (46250 сўм), «Ғалабанинг 40 йиллиги-2» мавзеси, 15-уй, 167-хонадондан Х.Содиқов (42 минг сўм)лар келтирилган.

Халқимизда ажойиб бир нақл бор, яъни «Ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрилар». Юқоридаги қарздорлар ҳам «ҳамёни»дан айрилмаслиги учун ҳисобни тўғри билиши, қарздорликдан вақтида қутулиши қарз ва фарздир.

(Ўз мухбиримиз)

«Камолот»

ДЎСТЛАР БИЛАН БИРГА БЎЛИНГ

БУГУНГИ КУНДА МАМЛАКАТИМИЗДА ЁШЛАРГА КЎРСАТИЛАЁТГАН ҒАМХЎРЛИК, УЛАРГА ЯРАТИБ БЕРИЛАЁТГАН ШАРТ-ШАРОИТЛАРНИНГ ЧЕГАРАСИ ЙЎҚ. ДАРҲАҚИҚАТ БИР ҚАНЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ, СПОРТ МАЙДОНЛАРИ, ДАМ ОЛИШ ОРОМГОҲЛАРИ, ИСТИРОҲАТ БОҒЛАРИНИНГ ҚУРИЛИБ, ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛИШИ БАРЧА-БАРЧАСИ ЁШЛАРИМИЗ УЧУНДИР. «КАМОЛОТ» ЁИҲ ЮНУСОБОД ТУМАНИ БЎЛИМ КЕНГАШИ ҲАМ МАНА ШУ АНЪАНАГА СОДИҚ ҚОЛГАН ҲОЛДА ЁШЛАРНИНГ БЎШ ВАҚТЛАРИНИ САМАРАЛИ ВА МАЗМУНЛИ ТАШКИЛ ҚИЛИШГА ЭЪТИБОРНИ ҚАРАТГАН.

«Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими томонидан ташкиллаштирилган «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида барча туманларда бўлиб ўтаётган тадбирлар катта-кичикка бирдек манзур бўлмоқда. Туманнинг барча маҳаллаларида жадвал асосида ўтказилаётган ушбу лойиҳа йўналишлари сардорлар ва етакчилар бошчилигида уюштирилмоқда. Лойиҳа 21 йўналишни ўз ичига олган бўлиб барча йўналишлар ёшларни ёзги таътил даврини сермазмун ўтказишга ва уларнинг диний-сиёсий билим савиясини оширишга қаратилган.

Куни кеча лойиҳанинг «Кўчма кино», «Беминнат хизмат», «Тиббий ёрдам» ҳамда «Диний саводхонлик-йўналишлари. «Қўшчинор», Туркистон, «Ҳуснобод», «Наврўз», «Боғишамол» ва «Уч қаҳрамон» маҳаллаларида болажонларимиз иштирокида бўлиб ўтди. Жами 154 нафар ўғил-қизлар ушбу лойиҳа йўналишида ўзларининг билим-савиясини ошириш мақсадида иштирок этишди. Болаларга ҳар бир йўналишнинг асл мақсади ва вазифалари алоҳида тушунтириб ўтилди. Ўтказилаётган семинар дарслари ва машғулотлар янада аниқ ва равшан бўлиши учун кўргазмали қуроллар ёрдамида олиб борилди. Семинар дарсини Марказий кенгаш қошида ташкил этилган «Маҳорат мактаби»ни тамомлаган ёш ижодкор сардор ҳамда етакчилар олиб бордилар.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ўтказилаётган ҳар қандай тадбир, семинар дарслари, спорт ўйинлари, барча-барчасининг замирида келажак авлоднинг маънавий ва жисмоний етук, соғлом, эртанги кунимиз учун муносиб мутахассислар бўлиб етишишларига қаратилган ғоялар ва фикрлар ётади. Шундай экан биз ёшлар эртанги куннинг яратувчилари ва бунёдкорлари сифатида билимли, ақлли ва доно бўлишимиз шарт.

«Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси иштирокчиларининг фикр ва мулоҳазаларини тинглаш мақсадида 70-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Жамшид Турсунов билан яқиндан суҳбатлашдик.

— Мен ушбу лойиҳанинг «Ёш сиёсатчилар» йўналишидаги семинар-тренингда қатнашдим. Бу семинарда мен ўзим билмаган нарсаларни ўргандим. Яна шуни айтишим мумкинки, вақтимни фойдали нарсага сарфладим. Ўртоқларим ва тенгдошларимни ҳам «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси тадбирларида фаол иштирок этишга чақираман.

Азиз ёшлар, сиз бўш вақтингизни қандай ўтказмоқдасиз? Агар сиз ҳам вақтингизни унумли ва самарали ўтишини истасангиз «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси тадбирларида фаол иштирок этинг! Ёзни «Камолот» билан ўтказинг!

Маъруф ХЎЖАҚУЛОВ,
«Бунёдкор» ёшлар телеклуби аъзоси

«ЁЗНИ «КАМОЛОТ» БИЛАН!» ЛОЙИҲАСИ АМАЛДА

МАЗКУР ЛОЙИҲА 5 ЙИЛДАН БЕРИ ЎТКАЗИЛИБ, 7 ЁШДАН 14 ЁШГАЧА БЎЛГАН БАРЧА ЎСМИР ЁШЛАРНИ СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИГА ЎРГАТИШ, УЛАР ЎРТАСИДА ОММАВИЙ СПОРТ ЎЙИНЛАРИНИ КЕНГ ТАРҒИБ ҚИЛИШ, МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ САВИЯСИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН. БУ ЙИЛГИ «ЁЗНИ КАМОЛОТ» БИЛАН!» ЛОЙИҲАСИ 27 ИЮНДАН 24 АВГУСТГАЧА ДАВОМ ЭТИБ, 21 ЙЎНАЛИШНИ ҚАМРАБ ОЛГАН.

Ушбу лойиҳа Тошкент шаҳрининг барча туманларида амалга оширилаётган бўлиб, унда нафақат «Камолот» етакчилари, балки «Бунёдкор» ёшлар телеклуби аъзолари ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Мазкур лойиҳанинг амалий жиҳатдан тўлиқ ва мазмунли амалга ошаётганлигини, айниқса, Собир Раҳимов туманида яққол кузатишимиз мумкин. Бу туманда мазкур лойиҳа асосида 133, 223, 242-мактаблар қошидаги оромгоҳларда «Кўчма спорт ўйинлари» тадбирлари ўтказилиб келинмоқда. Ўзбекистон Миллий университетининг ғарбий филология факультетининг фаол талабалари жамоатчилик асосида ёш болаларга инглиз тилини ўргатишга киришдилар. Биринчи кунданоқ инглиз тилини ўрганмоқчи бўлган ёш болалар сони 12 тага етди. Эътиборли томони шундаки, ЎзМУ талабалари ҳафтанинг ҳар 5 куни давомида инглиз тилидан дарс бериб келадилар. Бу жараён давомида улар ҳам ёшларни инглиз тилига ўргатадилар, ҳам ўзларининг педагогик маҳоратларини ошириб борадилар.

«Камолот» ЁИҲ С.Раҳимов тумани бўлими ёзги таътилда бўлган туман ёшлари билан бир қанча маданий-маърифий ва бошқа турдаги тадбирларни ўтказди. Буларнинг барчаси ёшларнинг ижтимоий салоҳиятини оширишга қаратилган бўлиб, мамлакатимиз истиқболини белгилашда муҳим омил бўла олади.

Акмал САМЕДЖАНОВ,
«Бунёдкор» ёшлар телеклуби аъзоси

Өз-өз ўрганиб доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Юсуф Хос Ҳожиб

ҲИКМАТЛАР

Билим оталар сўзида жамланган:
Оталар сўзидир биз учун мерос,
Оталар сўзининг нафи беқиёс.

* * *

Ҳунарлар керак эр йигитга, билим,
Агар етсин деса ҳар ишга қўлим.

* * *

Ёмонлик ўтида ёнади ёмон,
Ёрдам деб ўлтирма, ёмон беомон.

* * *

Эзгулар ўлса ҳам, исми ёд қолди.

* * *

Ўлимни ҳақ билган халққа яқиндир,
Ўлиб ҳам тирикка ибрат, нақлдир.

* * *

Очунда нима бор ортиқ билимдан?
Билимсизлик асли қаттиқ ўлимдан.

* * *

Қиличли қўл халққа беради буйруқ,
Қаламли қўлдандир ҳақли йўл-йўриқ.

* * *

Билимсиз кўр эрур очиқ кўз билан,
Билимли кўрни кўр — кўрди сўз билан.

* * *

Заковат кўрки — сўз, тил кўрки сўздир,
Одамзод кўрки — юз, юз кўрки кўздир.

* * *

Инсонким, сўз айтди — лисон туфайли,
Яхши сўз туфайли юзи чиройли.

* * *

Синаган киши эл-юрт ишини яхши билади.

* * *

Асл киши(лар) икки турлидир, кўргин,
Бири — бег, бири — доно, кишилар боши.
Бундан бошқа барчаси йилқи саналади,
Истасанг бунисини танла, истасанг унисини.

* * *

Шоҳ улким, қиличи ёвни қўркутса,
Адолат кучидан идора тутса.

* * *

Ўқув-идрок қора тунингга чироқ,
Билим нури билан ёнар яхшироқ.

* * *

Ўқув қут беради, билим — шараф-шон,
Шу икков туфайли улуғдир инсон.

* * *

Билимдон ўз билимлари туфайли балоофатлардан омон қолади.

* * *

Дунёдаги турли-туман санъат, сон-саноқсиз ҳунарлар ўқув ва билимга таянгани учун мақталади, тиллардан-тилларга кўчиб юради. Ўқув-идрокдан озгина улуш олган киши ҳам талай наф кўради. Зеҳн солиб қара ва билгинки, қуйидаги тўрт нарсанинг озини ҳам асло оз ҳисоблаб бўлмайди:
Бу тўртнинг бири — ўт, бирови — ёғи
Учинчи — касаллик — умр тузоғи.
Яна бу билимдир уларнинг бири,
Бошингда баланд тут — шу улар сири.

Билим кимё мисол: у туради жам,
Заковат саройи каби ўзи ҳам.

* * *

Заковат ўзаро онт ичишиб дўстлашган кишиларга ўхшаса, билим яқин қариндошларга ўхшайди. Буни дилга тугиб олиш лозим. Дўстоғайнилар, қариндош-уруғлар даврасидаги киши ўзини дадил сезади.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Анжуманлар

ИЖТИМОИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ЎРГАНИШ ИНСТИТУТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИДА «МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИ ВА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАР ЎРТАСИДАГИ ИЖТИМОИЙ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ, ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ ТОМОНИДАН ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ» МАВЗУИДА ДАВРА СУҲБАТИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, шаҳар ҳокимияти, сиёсий партияларнинг шаҳар Кенгашлари, Адлия бошқармаси, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий Ассоциацияси, касаба уюшмалари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Анжуманда сўз олган халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ижтимоий маданий ривожлантириш масалалари доимий комиссияси аъзоси Г.Охунова «Маъмурий-бошқарув органларининг НТТлар билан ижтимоий ҳамкорлиги», ННТМА ҳуқуқшуноси М.Амонов «Ижтимоий ҳамкорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари», ФЖЎИ катта илмий ходими Б.Юнусов «Ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан жамоатчилик назорати ўрнатишнинг ўзига хос хусусиятлари» каби бир қатор мавзуларда ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, бугунги кунда республикамизда фуқаролик жамиятини ташкил этиш, жамоатчилик назоратига катта аҳамият қаратилаётгани, бу борада ўндан ортиқ қонунлар қабул қилингани, улар негизида инсон омили, хусусан ишбилармон, тадбиркорларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар ётганлиги ва уларда давлатимиз сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири аксини топганига эътиборни қаратдилар.

Давра суҳбатида жамоат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти бўйича кейинги пайтларда қабул қилинган қонунлар ва ҳукумат қарорларининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш ҳамда ҳаётга татбиқ этиш бўйича қатнашчиларнинг фикр-мулоҳазалари ҳам тингланди.

Хусусан, жамоатчилик назоратини ўрнатишда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни беқиёс эканлиги, айниқса бу масалада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан бой тажриба тўпланганлиги тадбир қатнашчилари томонидан алоҳида таъкидланди. Маҳалла фуқаролар йиғинларининг ҳуқуқий мақоми ва мулкий шаклидан қатъи назар ҳудудда жойлашган барча ташкилотларнинг ижтимоий-иқтисодий масалаларга боғ ишланган фаолияти устидан амалга ошираётган жамоатчилик назорати ишларига давра суҳбати иштирокчилари ижобий баҳо беришди.

Тадбир давомида жамоат, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасида ижтимоий ҳамкорликни ўрнатиш механизмларини шакллантириш йўллари муҳокама қилинди.

Шоира МУАҲМЕДОВА



Мактаб бозорлари харидорлар билан гавж
Владимир Гранкин олганрат

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Тошкент шаҳар С.Раҳимов тумани, М.Ўразбоев кўчаси, 1-А-уйда жойлашган,

«РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ» ЁАЖ

2007 йилнинг 25 сентябрь ва 2, 9, 16, 23 октябрь кунлари соат 11:00да сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади:

I. Савдода, Тошкент шаҳар Бектемир тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2006 йил 25 декабрдаги 10-0620/15872-сонли суд буйруғига асосан хатланган, Шайхонтоҳур тумани,С.Дарбоза кўчаси 124-уйда жойлашган, умумий майдони 89,0 кв.мга тенг, бир қаватдан ва ярим ер тўладан иборат, таъмирталаб, "ОДСП-19"га тегишли бўлган, маъмурий бино.

Бошланғич баҳоси – 5 163 700 сўм.

II. Тошкент шаҳар Миробод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2007 йил 9 мартдаги 1-72/2007-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида сақланаётган, "Дэу Нексия Донс" русумли, давлат рақами 30 Р 5946 бўлган, 2005 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси – 8 895 000 сўм.

III. Тошкент шаҳар Миробод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 2006 йил 13 ноябрдаги 1-1048/06-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ омборида сақланаётган, "ВАЗ-2103" русумли, давлат рақами 30 N 8195 бўлган, 1973 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси – 1 214 000 сўм.

IV. Тошкент шаҳар Миробод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент вилоят судининг 2006 йил 11 сентябрдаги 2-192-06-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида сақланаётган, "Москвич-2141" русумли, давлат рақами 11 О 8740 бўлган, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси – 972 000 сўм.

V. Шунингдек, Тошкент шаҳар Миробод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман судининг 2007 йил 25 апрелдаги 1-355/2007-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, ИИББ ахборот маркази омборхонасида сақланаётган, "ВАЗ-21011" русумли, давлат рақами 11 М 0241 бўлган, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз автотраспорт воситаси такроран савдога қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси – 500 000 сўм.

Аукцион савдолари 2007 йилнинг 11, 18, 25 сентябрь ва 2 октябрь кунлари соат 11:00да ушбу автотранспорт воситаси сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.

Юқоридаги кўчмас мулк ва автотранспорт-ситалари билан тегишли суд ижрочилари бўл вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб т-шиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учу-лабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳуж-ларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказил-га бир кун қолганда тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун талабгор мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи кам бўлмаган миқдорда закалат пулини бир мулк учун алоҳида тўлаш тартиби-лан, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақ ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнг АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур фи-лидаги МФО:00425, ИНН:2009338, 20210000700571452062 ҳисоб рақама тўлашлари шарт.

Телефон: 228-79-52. Интернетдаги сайти: www.rkmb.uz Гувоҳнома DB 001 №000004

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети

қуйидаги бўш ўринларга танлов эълон қилади:

№	Кафедра номи	Каф.муд	Профессор	Доцент	Катта ўқит	Ассистент
	ИҚТИСОДИЁТ ВА МЕНЕЖМЕНТ ФАКУЛЬТЕТИ					
1.	Иқтисодиёт				4	1
2.	Менежмент			1	3	2
3.	Дизайн			3	1	
4.	Иқтисодиёт назарияси			1	5	
5.	Фалсафа				3	
6.	Сиёсатшунослик ва социология	1			4	3
7.	Педагогика ва психология				3	
	ГЕОЛОГИЯ ВА КОНЧИЛИК ИШИ ФАКУЛЬТЕТИ					
1.	Фойдали қазилмалар геологияси ва қидирув ишлари	1		1		
2.	Геология, минералогия ва петрография			3	1	1
3.	Геодезия, картография ва кадастр			1	2	
4.	Кончилик иши			2	2	1
5.	Металлургия			1	1	1
6.	Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги				1	2
7.	Кончилик электр механикаси					
8.	Гидрогеология, муҳандислик геологияси ва геофизик усуллари				1	
	НЕФТЬ ВА ГАЗ ФАКУЛЬТЕТИ					
1.	Нефть-газ конларининг геологияси ва геофизикаси		1		2	
2.	Нефть ва газ иши			1	6	2
3.	Атроф-муҳит муҳофазаси			1		
4.	Касб таълими (нефть ва газ иши)	1			1	1
5.	Умумий кимё	1			1	
6.	Умумий физика			3	1	
7.	Гидравлика ва муҳандислик кимёси				3	
8.	Нефть ва газни қайта ишлаш технологияси				2	1
	ЭНЕРГЕТИКА ФАКУЛЬТЕТИ					
1.	Электр таъминоти			1		
2.	Электр станциялари тармоклари ва тизимлари			3	2	1
3.	Гидроэнергетика			1		
4.	Электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари			3	2	
5.	Иссиклик энергетикаси			1	2	1
6.	Энергетика соҳалари касб таълими ва умумий электртехника					
7.	Иссиқлик техникасининг назарий асослари				1	
8.	Олий математика			4	5	2
	МЕХАНИКА-МАШИНАСОЗЛИК ФАКУЛЬТЕТИ					
1.	Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқариш жиҳозлари ва уларни автоматлаштириш		1			
2.	Машинасозлик материалларига ишлов бериш			1		
3.	Пайвандлаб, ишлаб чиқариш машиналари ва технологияси			1		1
4.	Металлар технологияси ва материалшунослик			2		
5.	Технологик машиналар ва жиҳозлар			1		1
6.	Ер усти транспорт тизимлари (қишлоқ хўжалик машиналари ва тракторлар)				1	
7.	Агроинженерия			1		
8.	Материаллар қаршилиги, машиналар ва механизмлар назарияси			1	1	
9.	Назарий механика, машина деталлари. Сервис техника ва технологияси			1	1	
10.	Чизма геометрия ва инженерлик графикаси				3	1
11.	Касб таълими (ЕУТ) ва энергомашинасозлик			2	2	1
	ЭЛЕКТРОНИКА ВА АВТОМАТИКА ФАКУЛЬТЕТИ					
1.	Электроника ва микроэлектроника			2		
2.	Электр техниканинг назарий асослари	1				
3.	Автоматлаштириш ва бошқарув			1		
4.	Асбобсозлик			1		
5.	Электроника – автоматика соҳалари касб таълими ва радиотехника					
6.	Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш			1	1	1
7.	Ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш			1		
8.	Умумий информатика				1	
	УМУМ ТАЪЛИМ КАФЕДРАЛАРИ					
1.	Ўзбекистон тарихи ва ҳуқуқ асослари		1	2	2	1
2.	Маънавият асослари ва миллий истиқлол ғояси	1			2	1
3.	Тиллар (ўзбек ва рус)				3	1
4.	Хорижий тиллар (инглиз, немис, француз)				7	1
5.	Жисмоний тарбия				6	1

Аризалар қабул қилиш муддати – эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй, Тошкент Давлат техника университетининг бош биноси, 211-хона.

Телефонлар: 246-46-00; 246-81-42; 246-61-17.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

2007 йил 31 августдан бошлаб 25 сентябрга қадар



Тошканбой Эгамбердиев номли Тошкент Давлат цирки Хадра майдони

2007-2008 ЙИЛГИ МАВСУМНИНГ ОЧИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган байрам дастури

Томошаларнинг бошланиш вақти:
2007 йил 31 август—18.00
2007 йил 1 сентябрь—15.00, 18.00
2007 йил 2 сентябрь—12.00, 15.00
Бутун сентябрь ойида
Шанба кунлари—12.00, 15.00
Якшанба кунлари—12.00, 15.00

Касса эрталабки соат 9 дан ишлайди. Жамоа бўлиб келиш учун талабномалар қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-91, 144-35-94, 144-29-04

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г- 706

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2875 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4

Топширилган вақти: 13.00